ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ
«ХАЛҚ ЧОЛҒУЛАРИДА ИЖРОЧИЛИК» КАФЕДРАСИ

М.В.Акмалжонова

ДИРИЖЁРЛИК

(Партитура устида ишлашуслублари)

(Олий ўқув юрти I-IIкурс талабалари учун)

Тошкент – 2017 йил

Ўзбекистон республикаси Маданият вазирлиги

Ўзбекистон давлат консеваторияси

«Халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси

“Дирижёрлик” ўқув қўлланмаси янги авлод ўқув қўлланмалари ва ўқув адабиётларига қўйилган талаблар асосида тайёрланган мазкур ўқув қўлланма Олий таълим муассасалари талабалари, ўқитувчилари ва соҳага қизиқувчи кенг жамоатчиликка мўлжалланган.

Махсус муҳарир:

К.Т.Азимов – Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори

Тақризчилар:

Ф.Р.Абдураҳимова – Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори, дирижёр.

О.Ў.Абдуллаева – Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори в.б., композитор.

Х.Шамсиддинов – Ўзбекистон халқ артитсти, дирижёр.

Министерство культури Республики Узбекистан

Государственная консерватория Узбекистан

кафедра “Исполнительство на народных инструментах”

Ответственный редактор:

К.Т.Азимов – профессор Узбекской государственной консерватории.

Рецензенты:

Ф.Р.Абдурахимова – Деятель искусств Узбекистана, профессор государственной консерватории, дирижёр.

О.У.Абдуллаева – Лаурят государственной премии имени Зулфии, и.о.профессора государственной консерватории Узбекистана, композитор.

Х.Шамсиддинов – Народный артист Узбекистна, дирижёр.

M.V.Akmaljanova “Conducting” Manual for High Educational institutes T.2017

This manual “Conducting” euated according to the regnirements of nev practical quides and tertbooks. This manual is intended for teachers and students of High Educational institutes and for the uide spreand andience.

Executive editor : K.T.Azimov – Professor of the state Conservatory of Uzbekistan.

Reviewers:

F.R.Abduraximova – professor of the state Conservatory of Uzbekistan.

O.U.Abdullaeva – Professor of the state Conservatory of Uzbekistan.

X.Sh.Shamsiddinov – professor, conducting

.

This manual recommended to publish fy Seieutitic Coumcil of the state Conservatory of Uzbekistan. (April, 2017 protocol №)

© The Ministry of Higher and Sekondary Special Education of the Republic of Uzbekistan

«Дунёда турмоқ учун, дунёвий фан ва илм лозимдир,замона илми ва фанидан бехабар миллат,бошқаларга поймол бўлур»

(М. Беҳбудий)

Кириш

Мустақилликга эришганимиздан бери, энг долзарб муаммолардан бири, ёшларимизни маънавий пок, руҳан тетик, соф фикр ва мукаммал билим эгаси этиб тарбиялаш вазифаси биринчи ўринга қўйилиб келинмоқда. Давлатимиз ва шахсан юртбошимиз томонларидан ёш авлодни ҳар томонлама комил инсон бўлиб етишиши учун етарли эътибор қаратилмоқда. Таълим соҳасидаги ўзгаришлар фикримиз далилидир.

Ёш авлодни маънавий шакллантиришда мусиқанинг ўрни беқиёс. Классик куй ва қўшиқлар тинглаган киши гўзаллик дунёсига кириб қолади, ўзини ўраб турган жамики борлиқ ва инсонларга соф назар билан қарайди. Маънавиятимиз юксалади, маданият шаклланади. Демакки, атрофдаги воқеа-ҳодисаларни тўғри баҳолаб, дунёвий демократик жамиятимизни қуришда етакчилар қаторидан жой олади.

Ўзбекистон давлат консерваториясининг «халқ чолғуларида ижрочилик» кафедраси ўзбек ва жаҳон композиторлари асарларини, халқ чолғуларида маромига етказиб ижро этадиган созандаларни тарбиялабгина қолмай, шу билан бирга, кўп овозли оркестр – ижрочиларини ва оркестр дирижёрларини ҳам тайёрлашда маъсулиятли вазифани ўз зиммасига олган.

Охирги йилларда дирижёрлик санъатига бағишланган адабиётлар, ўқув – қўлланмалар, олийгоҳимиз профессор-ўқитувчилари томонидан ёзилиб, нашр этилмоқда.

Мазкур қўлланма, дирижёрлик фанига энди қадам қўяётган ёшларимизга ёрдам сифатида ёзилган. Унда биринчи бор партитура билан танишиб, асарни таҳлил қилишнинг ўзига хос услубиятлари ёритилган.

Асарни ўқиш учун дирижёр назарий билимлар мажмуи билан таниш бўлиши мажбурийдир.

Назариётчилар ва композиторлардан талаб қилинганидек, мусиқа назарияси, гармония, полифония, чолғушунослик, партитура ўқиш, мусиқа шакли фанларини чуқур эгаллашлари керак.

Ўқув қўлланма услубий қисм ва халқ чолғу оркестрлари учун партитуралардан иборат. Методик қисм дирижёр вазифаси дирижёрлик техникасига урғу бермаган ҳолда, партитура ва уни устида қай тартибда ишлаш, нималарни эътибордан четда қолдирмасдан, асарни тўғри талқин этиш, ўзи тушунган ва ҳис этган образ, моҳиятини очиб, ижрочиларга етказа олиш услубларини ўз ичига олган.

Дирижёрликга энди қадам қўяётган ёш мусиқачиларимиз қатор саволларга дуч келадилар. Партитура устида қандай иш бошлаш керак, нималарга эътибор бериш ва ҳоказо.

Ушбу ўқув қўлланмада, шу саволларга жавоб беришга ҳаракат қилинган.

Партитураустида ишлаш даврини уч қисмга бўлишимиз мумкин.

1. Партитура устида мустақил ишлаш.
2. Оркестр билан ишлаш жараёни.
3. Концертга чиқиш.

Қўлланма партитура ўрганишнинг биринчи қисми «Партитура устида мустақил ишлашга» бағишланади. Ўз навбатида, иш жараёнини тўғри таҳлилига эътибор бериш, оркестрсиз асар устида ишлаганда, мусиқани қўлга кўчириш учун қай услубда иш олиб боришлари кераклигига, йўриқномалар берилган.

Қўлланмага киритилган партитуралардан халқ чолғу оркестри раҳбарлари ўз дастурларини бойитишда бемалол фойдаланишлари мумкин.

Албатта бу қўлланмани ёзишда, устозларим ўгитлари, дирижёрлик санъатини ўрганиш бўйича адабиётлар ва кўп йиллик ўқитувчи ва ижрочилик

тажрибамга таянган ҳолда яратдим. Қўлланма ёшларимизнинг билим олишда фойда келтиради деган умиддаман.

Дирижёрлик тушунчаси ва вазифалари.

Дирижёрлик мусиқа ижрочилигимиздаги энг юқори ва мураккаб касблардан ҳисобланади. Ҳозирда дирижёрлик касбига ёшларимизнинг қизиқиши жуда катта. Бу албатта қувонарли. Асосан дирижёрлик касби иккинчи мутахассислик сифатида эгалланади. Бола ёшлигидан бирор бир мусиқа чолғусида ўқиб, шу чолғуда ижро сирларини мукаммал ўргангандан сўнг, дирижёрлик билан танишиши мумкин. Шунинг учун ҳам, мусиқа мактабларимизда дирижёрлик фани киритилмаган. Лекин, фаннинг биринчи қадамларини сольфеджио дарс жараёнида,матнни куйлаб, қўлдаикки, уч, тўрт ҳиссали ўлчовларга туширишга ўргатилишида кўришимиз мумкин.

Академик лицей ва коллежларимизнинг ўқувчилари ўқув жараёнида дирижёрлик фани орқали, мусиқа санъатининг бу тури билан таниша бошлайдилар. Биринчи ва иккинчи курс босқичларига дирижёрлик фани ҳафтасига бир соатдан, учинчи курсдан эса, икки соатдан этиб тайинланган. Дирижёрликга қизиқиши бўлган иқтидорли ёшларимиз, олий ўқув юртларида дирижёрлик сирларини чуқур ўрганишларига имконият яратилган.

Ижрочи мусиқачилар гуруҳини бошқариш дирижёр зиммасидадир. У, аввалambор ижрочи – мусиқачи, асарни талқин этувчи – (интерпретатор) раҳбар ва ташкилотчидир.

Дирижёрнинг ижрочи созандадан асосий фарқлайдиган ҳолат – ижрочи нота сабоғини олиш билан бирга, чолғуни қўлга олади. Доимий машқ жараёни шу чолғуси билан кечади. Асарни нота матнидан ўқишдан бошлаб, мазмун – моҳиятини ўрганиб, «ҳазм қилиб», концерт саҳнасига олиб чиқиш жараёни унинг чолғуси билан биргаликда кечади.

Дирижёрнинг чолғуси – оркестр – тирик жамоа. Бу жамоага бошчилик қилиш, жуда мураккаб. Гуруҳдагиҳар бир созанда, ўз чолғусининг моҳир ижрочиси «тирик» организм. Ҳар бири маълум даражада ўз билими, дунёқараши, характерига эга бўлган шахслар. Пультга чиққан дирижёр қўл

остидаги ҳамма чолғуларни, созанда – ижрочидек чала олмаса ҳам, чолғуларнинг ижро имкониятини, сози, диапазони, товуш чиқазишнинг хусусияти ва бошқа нозик тарафларини назарий жиҳатдан билиши керак.

Дирижёр ижрочидан фарқли ўлароқ, мусиқа асарни қўлга олган вақтда чолғусисиз (оркестрсиз) тайёрланади. Асар устида машқ жараёни партитура ва дирижёр билан кечади. Дирижёрлик касбининг мураккаблиги ҳам бир томондан ана шундадир.

Дирижёрга вазифа қилиб, ижрочи яратувчи сифатида, ўз олдидаги мураккаб вазифани ҳал этиш юкланади, яъни муаллиф мақсадини тушуниб, унинг фикрини англаб, асар мазмунини тўғри талқин этишдир. Композитор кўрсатмаларига аниқ риоя қилиб, назарий билим ва мануал (қўллар) техникасини умумлаштириб, шахсий артистизм билан биргаликда ёндашмоқ зарур.

Дирижёрнинг зиммасига оркестрни бошқарибгина қолмай, аввал ўзини бошқариш, жамоани тарбиялабгина қолмай, ўзини тўғри тарбиялаш қўйилади.

Г.Берлиоз таъкидлаганидек: «Ёмон пианиночи ёки қўшиқчи ижросига чидаш мумкин, лекин, ёмон дирижёр ижросига тоқат қилиб бўлмайди... Тезликни, товушлар садоланиши ҳамоҳанглигини эшитмайди. Оркестрга халақит беради. Биз яхши созандалар ижросини тинглаймиз. Асарни ким бошқараётганлиги яққол сезилади. Оркестрми ёки дирижёр?...» Бундай ҳолатдан албатта қочиш керак.

Мустақил иш вазифалари:

1. Дирижёр деганда қандай мусиқа ижрочисини тушунасиз?
2. Дирижёрнинг ижрочи созандадан фарқи нимада?
3. Дирижёр вазифалари нималардан иборат?

Партитура билан танишув.

Ҳаммага маълумки ижрочи созандаларимизга мўлжалланган асарнинг ёзув қоғози фортепианога ҳамда фортепиано биланбошқа чолғуларга ёзилган асарлар оркестр партияларидир.

Клавир немисча «klavier»сўзидан олинган бўлиб,

а) торликамонли - клавишли мусиқа чолғулари (клавикорд, клависин, фортепиано)

б) Овоз ва симфоник оркестр учун ёзилган асарларни (опера, оратория, кантата ва б.) овоз ва фортепианога мослаштирилган кўриниши, шу билан биргаликда, балетларни фортепианога мослаштириш, бирор бир мусиқа чолғуси ва фортепиано учун ёзилган асар.

Бундан фарқли ўлароқ, дирижёрнинг ишчи китоби – партитура. Италянча – partitura сўзидан олинган бўлиб, бўлиниш, тақсимланиш маъносини билдиради. Турли жамоалар: ансамбл, хор, оркестр ижросига мўлжалланган кўп овозли мусиқа асарининг нота ёзувидир.

Бундай партитуралар XVIаср ўрталарида Италияда пайдо бўлган. Шундан бошлаб, кўп овозли мусиқа асарининг асосий ёзув намунаси бўлиб ҳисобланади. Ҳамма товушлар (партиялар) бир-бирининг устида вертикал ҳолатда жойлашган бўлиб, ўрнатилган қоидага (юқори товуш баландлигига эга созлардан бошлаб, пастки товуш баландлигига эга созларнинг оилалар бўйича жойлашувига) бўйсунади. Партитурада, ҳамма чолғуларнинг биргаликдаги ижроси вертикал ҳолатда намоён бўлади.

Партитура чизиғи



Ҳамма чолғулар қаторини бирлаштирувчи чизиқ акколада деб аталади. Акколадалар икки хил бўлиб, ингичка акколада умумий оркестр таркибидаги қаторларни бирлаштиради, қалин акколада эса, уларни гуруҳларга ажратади. Акколадалар бўлинган жойга белгиси қўйилиб, янги партитура саҳифаси давом этади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, партитурада юқори товуш баландлигига эга чолғулардан бошлаб гуруҳ бўйича жойлашади. Ўзбек халқ чолғулари оркестри беш гуруҳдан иборат:

1. Дамли чолғулар: най пикколо, най, сурнай, қўшнай.

2. Урма торлилар: чанг, қонун.

3. Мизробли ва чертма торлилар гуруҳи: рубоб прима, қашқар рубоб, афғон рубоб, танбур, дутор прима, дутор секунда, дутор альт, дутор бас, дутор контрабас.

4. Урма зарблилар: доира, ноғора, қайроқ, учбурчак, бубен, литавра.

5. Камонлилар гуруҳи: ғижжак,ғижжак альт, ғижжак бас, ғижжак контрабас.

Ўзбек халқ чолғулари оркестрида транспорт[1] қилинувчи, яъни, ёзилишидан эшитилишининг фарқи бўлган созлар бўлиб, улар фақат октава (8 босқич) юқори ёки паст эшитилади. Юқорида келтирилган партитура чизиғида биз буни яққол кўришимиз мумкин.

Партитурани биринчи бор қўлга олган талабаларимизда, кўпгина саволлар туғилади. Ундаги ҳар бир белги, ҳаттоки нуқта ҳам, ўз маъносига эга. Асосан учраши мумкин бўлган белгиларга тушунча бериб ўтамиз.

Бир нота чизиғида ёзиладиган най, қўшнай, сурнай, чанг ёки прима созларига қуйидаги белгилар қўйилиши мумкин:

a^2 - иккаласи биргаликда

I - биринчиси

II - иккинчиси

Мисол №1

[1]Транспозиция – transposition -лотин тилидан олинган бўлиб, жойни ўзгартирмоқ деган маънони англатади.



Баъзи ҳолларда, ғижжак бас ва ғижжак контрабас партияларининг бир нота чизиғида ёзилганига гувоҳи бўламиз. Улар бир чизиқда унисон ёзилишига қарамай, контрабас транспорт қилинишини ҳисобга олсак, октава оҳангдошлигида янграйди.

Мустақил иш вазифалари:

1. Партитуранинг клавирдан фарқини тушунтиринг?
2. Акколада деганда нимани тушунасиз ва унинг турлари?
3. Партитура қачон ва қаерда биринчи бор яратилган?
4. a² белгиси нимани билдиради?

Партитура таҳлили

Дирижёрлик касби – ёш санъат турларидан ҳисобланади. Бу соҳада, билимдон намоёндаларнинг бир неча авлодлари босиб ўтган жуда бой тажрибаларига қарамасдан, дирижёрлик ўқитиш услубиятида назарий билимларга фундаментал нуқта қўйилгани йўқ.

Дирижёрликда энди шуғулланаётган йигит – қизларимиз яхши дирижёр бўлишга интиладилар. Лекин, яхши дирижёр бўлиш учун ўзидаги қайси мусиқий қобилиятни, қандай ривожлантириш керак? Ўзидаги қайси сифатга, кўпроқ эътибор қаратиш лозим? Бу саволлар ҳақида чуқур фикрлаш жоиз.

Дирижёрлик ижодий ёндашувни талаб этади. Шу сабабли «икки карра икки = тўрт»деб айтолмаймиз.

Яратилган услубий адабиётларни, дарсликларни ўқиганимизда, шунга гувоҳ бўламизки, муаллифлар, кўпинча, субъектив фикрлар билдирадилар. Адабиётларни таҳлил қилган ҳолда ўз тажрибаларига суянган устозлар, талабаларга мос келадиган услубда дарс олиб борадилар ва кўпинча «амалий кўрсатиш»услуби билан ишлайдилар.

Асар билан биринчи танишувидаёқ, дирижёрнинг ижодий фикрлаши шакллана боради. Партитура устида иш борганда, унда куйнинг бутунлигича тўлиқ мусиқий тассавури йиғилади. Партитура устида тўғри иш олиб борган талаба, кейин пайдо бўладиган саволларга жавоб топади. Жамоа билан учрашганда, созандалардан, бадиий образ яратишда, қайси ижро усулини қўллашни (штрихлар,динамика, фразировка ва бошқалар) талаб қила олади.

Янги асарга қўл урганимизда уч хил амалий услубларга дуч келамиз.

1. Партитурани фортепиано ёрдамида техник ва назарий жиҳатдан ўқиб ўрганиш.

2. Мусиқачининг ички эшитув қобилияти орқали, товушлар ҳамоҳанглигини тассавур этиб ишлаш.

3. Мусиқа тасмаларидан фойдаланиб, тинглаб ўрганиш.

Иккинчи услубимиз, ижрочининг ички эшитув қобилиятига таяниб машқ қилиш. Бу усул дирижёрдан «мутлақ» (абсолют) эшитув қобилиятини талаб қилади. Табиатан бундай қобилият жуда камчиликга насиб этади. Тайёрланишнинг бу кўриниши назарий билимларни, (мусиқа назарияси, сольфеджио, гармония, контрапункт, мусиқа шакли, тарихи) шу қадар мукаммал эгаллаган бўлиши керакки, яъни, асар ўқилганда, матнда ҳеч қандай қийинчиликларга дуч келмаслиги лозим. Бундан ташқари ижодий тассавур зарур. Нота матнини ўқиб, олган кўникмаларни ички мусиқий қобилият орқали тинглаш билан биргаликда, ягона образга бирлаштириш мушкул вазифа. Шу сабабли, бошланғич дирижёрларни бу услубда машқ қилиши жуда мушкул кечади.

Кўп ҳолларда, талабалар овозли ёзув тасмалар орқали ўрганишни осон биладилар.[2] Албатта «таниш бўлмаган асарни партитура билан эшитиб, ўрганиш тезроқ ва осонроқ кечади» - деган тушунчалар бор. Бу услубда ишлаганда оркестрдаги ҳар бир товуш тизимини, асардаги овозлар ҳамоҳанглигини тинглаш қийин. Асосан, бир дирижёр талқини тингланади. Натижада эса, талабада асарга нисбатан ижодий ёндошув ривожланмайди. Мусиқа орқали ўз фикрини баён этишдан маҳрум бўлади. Бегона ижрога тақлид этади. Ўзлигини кўрсата олмайди. Ёмон оқибатлардан яна бири, ёш дирижёрларимиз тинглаб ўрганиш билан бирга ёзув тасмаларига дирижёрлик қиладилар. Натижада, дирижёр оркестрни эмас, оркестр дирижёрни бошқаради.

[2]Механик ёзувлар борасида фикрлар хилма-хил.

Раҳбар оркестрни орқасидан боради. Дирижёрликни энди эгалламоқчи бўлган ёш талабалар учун, бу услуб мақсадга мувофиқ эмас.

Юқорида келтирилган тавсиялар билан бирга, шуни таъкидлаш лозимки, мусиқий тасма ёзувларидан ўқув жараёнида тўғри фойдаланиш мумкин. Ҳозирги «техника асрида», ахборот технологиялари ривожланган бир вақтда, асар ижросини бир эмас, бир неча таниқли дирижёрлар талқинида тинглаш лозим. Оркестрлар ижросини таққослаш, талабалар учун катта мактаб. Тингловчи, оркестр созига бўлган муносабатни ўрганади. Жамоада соз қанчалик соф бўлса, ижро сифатига таъсири юқори бўлиши сир эмас. Ансамблни тинглаш, биргаликдаги ижрога бўлган талабни ўстиради. Динамикага ва тезликга бўлган муносабатларни тарбиялаш мумкин.

Бу услубга мурожаат этишдан аввал, дирижёрларимиз партитурани ҳар томонлама ўрганиб, маълум даражада назарий ва амалий, техник ижро кўникмаларига эга бўлишлари тавсия этилади.

Дирижёрликга энди қадам қўяётган ёшларимиз учун энг тўғри услуб, партитурани фортепиано ёрдамида ижро этиб, назарийва техник жиҳатдан ўқиб ўрганишдир.

Мустақил иш вазифалари:

1. Партитура ўқишнингнечахил услубларини биласиз?
2. Бўлажак дирижёр учун овозли ёзув тасмалари орқали партитурани ўрганишнинг зарарли томонларини гапириб беринг?
3. Ёш дирижёрлар учун партитура ўқишнинг тавсия қилинган услубини айтиб ўтинг.

Муаллиф ҳаёти ва ижоди

Дирижёр партитурани қўлга олар экан, аввалambор муаллиф ҳаёти ва ижоди билан яқиндан танишади. Бу учун биз мусиқа тарихи фанига мурожат қиламиз. Композитор ижодининг қайси оқимга мансублиги, унинг яшаган даврини ўрганамиз. Шу даврдаги сиёсий ва иқтисодий муносабатлар, албатта, муаллиф ижодига таъсир этмай қолмайди. Композиторнинг ижтимоий муҳитга бўлган муносабати унинг ҳаёт тарзида, асарларида аксланади. Таъсири сезиларли бўлади. Муаллиф ижодиниўрганиб у билан танишар эканмиз, олган маълумотларимиз, мусиқий образнинг умумий драматургия йўналишини тушуна олишда тингловчига композитор кечинмаларини тўғри очиб беришда керакли воситалардан фойдаланишга ёрдам беради.

Партитурада, ҳеч бир нарса назардан четда қолиши мумкин эмас. Мисол тариқасида, Тўлқин Қурбоновнинг асарларига мурожаат қилиб, А.И.Петросянц хотирасига бағишланган «Рапсодия»сини оламиз, композитор ҳаёти билан танишамиз. Тўлқин Қурбонов Тошкентнинг Ўқчи маҳалласида, зиёлилар оиласида таввалуд топади. Отаси Умар ака, сув хўжалиги бўйича муҳандис бўлиб, кўп йиллар раҳбарлик лавозимларида ва чет элларда ишлаган. 1936 йили уни тўсатдан иш сафаридан чақириб олиб, халқ душмани сифатида хибсга оладилар. Онаси ва бобосини қарамоғида қолган икки ўғил, акаси Учқун ва Тўлқин акалар, ҳаётни қийинчиликларини босиб ўтадилар. Бобоси ўғлининг охирги илтимосини бажариб, набираларини олий маълумотли қилади. Яхши

инсонлар кўмагида, уларни ҳалол, пок ва ҳақиқатгўй қилиб тарбиялайди Тўлқин аканинг ҳаёт йўли, унинг ижодига кўчган. У, ўз асарларида Марказий Осиёда яшаб ўтган тарихий улуғ инсонлар образини ёритишга ҳаракат қилади.

Тўлқин Қурбонов ижодини кузатадиган бўлсак, қизиқ воқеликни ҳис этамиз. Асарлари орқали ҳаёти давомида Осиё минтақасига назар солади. Ўзбекистоннинг ҳар бир вохасига, кейинчалик, Қозоғистон, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистон миллий мусиқа удумларини ижодида бирлаштиради. Бу унинг фақат ўзбек мусиқасинигина эмас, балки Ўрта Осиё халқларининг миллий мусиқадан яхши хабардор эканлигидан, эркин ҳис эта олганидан далолат беради.

Тўлқин Қурбоновнинг деярли ҳамма асарлари, европа классик оқими услубида ёзилган. Бунга унинг симфониялари, поэма, увертюралари мисол бўла олади. Шу билан бирга, унинг симфоник оркестр таркибига ўзбек халқ чолғуларини киргизилганига гувоҳ бўламиз. Муаллиф халқ чолғулари хусусиятинияхши билгани туфайли, созлар ижроси симфоник оркестр таркибида тўлақонлича уйғунлашиб кетади.

Тўлқин Қурбонов кўпинча асарларида, мавзуларни полифоник йўналиш асосида ривожлантиради. Фуга, соната, рондо шаклларига мурожат қилган. Тўлқин Қурбоновнинг асарларини тинглаганда европа ва миллий мусиқамизнинг замонавийлик билан ҳамоҳанглигини ҳис этамиз. Унинг халқ куй ва қўшиқларига асосланиб ёзилган асарларида, шу халқнинг урф-одати ва тарихини ўрганиш фойдадан холи эмас. Уларнинг мазмунини, қандай байрам ва маросимларда ижро этилишини билиш зарур.

Юқоридаги фикрларимиздан келиб чиқиб яна бир бор таъкидлаймизки партитура таҳлили дирижёр учун энг машаққатли ва муҳим жараён. Г.Нейгауз айтганидек «ижрочи керакли даражада назариётчи ва тарихчи (мусиқа тарихи назарда тутилган) бўлиши керак.[3]»

Мустақил иш вазифалари:

[3]«О музыкальном исполнительстве» сб. М.Музгиз, 1954, 152 ст.

1. Муаллиф ҳаёти ва ижодини ўрганишда нималарга эътибор бериш керак?

2. Т.Қурбонов ижоди ҳақида қандай маълумотларга эга бўлдингиз? У қайси жанрларда ижод этган?

3. Муаллиф ижоди қайси оқим йўналишга таалуқли?

4. Тўлқин Қурбоновнинг машҳур асарларини айтиб ўтинг?

Партитурани ўқиш

Партитура ўқишни аввал камонли торлилар гуруҳидан бошлаш мақсадга мувофиқ бўлади. Дирижёр фортепианода яхши чала олиши зарур. Партитура ўқиш жараёнида тезлик ва аккордлар жойлашувининг аҳамияти йўқ. Секин тезлик танланганда, партитурани вертикал ўқишга имкон бўлади. Асосийси, аккордларни бир октавага йиғиб, секин тезликда, тўғри усул билан товушлар софлигини эшита олишдир. Гуруҳ ижросини ўқиганда, иложи борича, бир қўлда жўрнавозлар, иккинчи қўлда эса куй тизими чалиниб, овозлар ҳамоҳанглиги тингланади. Бу ўз навбатида асарни яхлитлигига эшитилишига ёрдам беради. Ўқишда давом этиб, куй жумласига, штрихларга, динамикага эътибор қиламиз. Партитура устида юқорида йўналтирилганидек мустақил ишлаш, раҳбарга, оркестр ижросидаги соф бўлмаган (фальшь) товушларни дарҳол бартараф қила олишига имкон яратади.

Худди шу тариқа, дамли чолғулар билан урма торли чолғулар гуруҳларини биргаликда ўқиб чиқилади. Алоҳида мизроблилар ва чертма торлилар партияларини ўқиймиз. Кўп ҳолларда най, чанг, прима, ғижжак созларида куй оҳанглари бир хил бўлиши мумкин. Сўнгра, ҳар бир гуруҳлардаги умумий педаль (ушланиб турувчи) товушларни йиғиб, куй тизими билан боғлиқлигини ижро орқали тинглаймиз. Энг асосийси дирижёр умумий товушлар мужассамлигини тўғри эшита билишидир.

Урма зарбли чолғулар партиялари алоҳида кўриб чиқилади. Фортепианода ижро этиш орқали, партияларни ўқиш ички тинглов қобилиятини ўсишга олиб келади.

Мусиқий асарни таҳлил қилганда, шунга эътиборни қаратиш лозимки, ундаги ҳар бир (композитор томонидан қўйилган) белгилар, ҳоҳ усул ёки товуш чиқариш имкониятига, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга йўналтирилган. Асарни мазмун-моҳиятини ёзилганидек, тингловчига аниқ етказишдир. Бу вазифани бажариш учун раҳбар, партитурани ҳар томонлама ўрганиб, (муаллиф ҳаёти ва ижоди, мусиқа жанри, дастури, шакли, ўлчами, жумла, усул, динамика, тезлик, агогика, штрихлар) сўнгра, уларни бирлаштирган ҳолда, ягона, бутун бир мусиқий образ яратади. Шундагина, унинг ижодкорлигини, мусиқий талқинини баҳолаш мумкин.

Мусиқада бадиий образ яратиш, бу ижодий, «тирик» жараён. У мусиқий тассавурни янада бойитади. Тингловчига етиб боради. Катта таасурот қолдиради. Шу сабабли «Санъат – у қайси турига алоқадорлигидан қатъий назар, диллар суҳбати» - деб, юқори баҳо берилган.

Мустақил иш вазифалари:

1. Партитурани фортепиано ёрдамида чалиб ўқиганда гурухларни қандай бирлаштирилади?
2. Партитурани фортепианода чалиб ўрганганда нималарга эътибор қилиш зарур?

Асар дастури таҳлили

Асар устида иш бошлаганимизда, албатта унинг дастури билан қизиқамиз. Дастурсиз мусиқанинг ўзи бўлмайди. У ҳар доим бирор бир мазмун ва маънога эга. Жумла (фраза) бирор бир фикрни ёритишга йўналтирилади. Жумлалар бирлиги мусиқий образларни яратилишига ҳизмат қилади. Мазмун бор жойда мусиқанинг тафаккур, билим ва тассавур даражасидан келиб чиқиб образлар шаклланади. Шунинг ўзи асарни дастурли дейилишига асос бўлади. Лекин мусиқада аниқ адабий асар мазмунига асосланиб ёзилган асарлар дастурли ҳисобланади.

Дастур деганда, биз номланган асарларни тушунамиз. Опера, балет, мусиқий драмалар дастурли асарлар ҳисобланади. Улар асосида бадиий мазмун – адабиёт ётади. Операда бадиий мазмунга таяниб, либретто ёзилади.

Адабий мазмун бўлмаган тақдирда, асарни мазмунини очишда, муаллиф кўрсатмаларига мурожаат этамиз. Композитор бирор бир воқеа, ҳодисаларга асосланиб ёки байрамлардан руҳланиб, кимнидир хотирлаб ёзган асарларини номлайди.

Жаҳон классик композиторларига мурожаат қиладиган бўлсак,: И.Гайднинг «Хайрлашув», Л.Бетховеннинг «Қаҳрамонлик» ёки П.И.Чайковскийнинг «Қиш хаёллари» симфониялари, бунга мисол бўла олади.С.Бобоевнинг «Байрам увертюраси», Т.Қурбоновнинг «Қўшчинор» увертюраси ҳам, шулар жумласидандир. Уларнинг ҳаммаси дастурли асарлар

қаторига киради.Т.Қурбоновнинг А.И.Петросянц хотирасига бағишлаб ёзган «Рапсодия»[4]си дастурини таҳлил қиламиз.

А.И.Петросянц арман миллатига мансуб бўлгани туфайли, композитор асар бошидаги йиғи мавзусини қўшнайга берган. Чунки, арман удумида инсон оламдан кўз юмганда, таъзия билдиргани келганлар йиғилиб, арман халқ сози дудукда марсия куйини чалишади. Муаллиф қўшнай тембри билан дудук ўртасидаги ўхшашликни топган ва ундан моҳирона фойдаланган. Қўшнай ижросидаги ҳар бир мавзу жумласида, яқинини йўқотган инсоннинг тўлиб тошган қайғуси, дил-изтироблари акс эттирилади. Композитор чолғулар имкониятидан жуда моҳирона фойдаланади. Петросянцнинг ўзбек халқ чолғушунослигига қўшган ҳиссасини, оркестрдаги чолғуларда кетма-кет куйлаб ўтиши орққали ифодалайди. Асар драматизмини тушунмай туриб уни ижро этиш мумкин эмас.

Т.Қурбонов «Рапсодия»

[4]Грек сўзидан олинган бўлиб, «rhapsodia» - халқ эпик қўшиқлари деган маънони билдиради. Қадимги грек халқ қўшиқчилари – рапсодлар, айтилаётган қўшиқлари эса рапсодия деб ном олган.

XIXасрда рапсодия европа мусиқасига кириб келган. У бир қисмли йирик асар бўлиб, рояль ёки оркестр учун ёзилган рапсодияда асосан ҳар хил халқ куйлари янграган.



Бундан ташқари дастурсиз асарларда, муаллиф томонидан кўрсатган белгилар, унинг ғоясини очиб беришига туртки бўлади. Куйни жанри ҳам, маъносини тушунишга ёрдам бериши мумкин. Аниқ бир жанрда ёзилган асар, дирижёрнинг мусиқий образ яратишга, ижодий изланишга туртки бўлиб хизмат қилади. (Масалан: М.Левиев Вальс.)

Партитура билан биринчи танишув, асар устида иш олиб боришнинг энг муҳим даври. Сиз бунда фақат куй шакли, жанри, муаллиф кўрсатмалари, тарихи билан танишибгина қолмай, балки, куйга нисбатан ўзингизда фикр уйғонади. Асарнинг драматургияси ҳақида умумий тассавурга эга бўласиз. Кейинги иш жараёнида режа тузишингизда ёрдам беради.

Мустақил иш вазифалари:

1. Дастурли асар деганда нимани тушунасиз?
2. Дастурсиз асарлар устида иш борганда куй табиатини (характерини) очиб беришда нималарга эътибор қилинади?

Мусиқий жанр

Жанр – француз ибораси бўлиб (genre)[5] кўриниш деган маънони англатади. Санъатнинг барча турларида, жанр ўзига хос кўринишларига эга. Адабиётда – роман, қисса, ҳикоя, эртак, шеъриятда – қасида, ғазал, рубоий, тасвирий санъатда – пейзаж, портрет, нотюрморт, мусиқада эса опера, балет,

[5]Русча (род) – тур

симфония, концерт, увертюра... Демак, бирор бир санъат йўналишидаги асар турларини тушунамиз.

Дирижёр учун асарни қисмма – қисм ўрганишдан аввал уни тури (жанри) ҳақида аниқ маълумотга эга бўлиши, олдида турган ижодий изланишларини бир мунча енгиллаштирилади. Куй драматургиясини очиб бериш осон бўлади. Айниқса, дастурсиз асарларни ижро этишда, унинг жанри ижрочи учун биринчи кўмакдир.

Симфония жанри XVIII асрнинг иккинчи ярмида Европада пайдо бўлганига қарамай, кескин ривожланди.

Симфония - грекча – simphonia сўзидан олинган оҳангдошлик маъносини англатади. Қадимги греклар ёқимли товушлар бирлигини шундай аташган.

Симфониянинг биринчи қисми тез, жонли, баъзида, босиқ ва секин тезликдаги кириш қисми билан бошланади. Соната allegro шаклида ёзилади. Иккинчи қисм, олдинги қисмга нисбатан секин ва куйчан характерга эга. Учинчи қисм - менуэт. Л.Бетховен ижодидан бошлаб, скерцо билан ўрин алмашади. Тўртинчи қисм - финал, юқоридаги қисмларга хулоса. Финал кўпинча тантанавор, байрамона, ғалаба кўринишида, баъзан эса драматик – фожиавий характерда бўлиб, қолганларидан фарқ қилади.

Симфония жанрининг яна бир тури симфоник поэмадир. Мусиқада бу тушунча 1854 йили Ференц Лист ижодида пайдо бўлди. У ўз мазмунига кўра, фақатгина мусиқий асар бўлибгина қолмай, шеърият билан ҳам боғланган. Поэма соната-симфоник туркумда бўлиб, унинг ҳар хил характердаги эпизодларида, соната allegroнинг асосий бўлимлари билан ўхшашлиги бор.

Рус композиторлари, симфоник поэмага ўхшаш асарларга бошқачароқ ёндашиб, увертюра-фантазия, симфоник баллада ва симфоник чизгилар деб номлашган. Айниқса, симфоник чизгилар улар ижодида кўпроқ учрайди ва поэмадан анча фарқланади.Уларнинг дастури адабий мазмунга боғлиқ бўлмаган ҳолда, табиат манзараларини ва инсоннинг ички ҳис – туйғуларини

ифодалайди. Буни Н.Римский-Корсаковнинг «Садко», А.Лядовнинг «Баба-яга» ва «Волшебное озеро» асарлари мисолида кўришимиз мумкин.

Симфоник жанрнинг яна бир тури, симфоник фантазиядир. Унинг ёзилишида катта эркинлик берилиши билан бирга, дастурда фантастик кўринишлар (элементлар) учрайди. Симфоник жанр ўзга бир дунё. Уни тинглаб маънавий озуқа оламиз. Руҳиятимиз бойийди. Оркестр учун ёзиладиган асарлар жанри ичида энг юқори ўринни эгаллайди.

Ўзбекистон композиторлари Т.Қурбонов, М.Тожиев, М.Махмудов, М.Бафоев ва Ф.Алимовлар ҳам, бу мусиқий жанрларгача мурожаат қилиб, бир мунча асарлар яратишган.

Мустақил иш вазифалари:

1. Жанр деганда нимани тушунасиз?
2. Мусиқада қандай жанрларни биласиз?
3. Опера жанрининг кўринишларини айтиб ўтинг?
4. Симфоник жанрнинг турлари ва уларнинг бир-биридан фарқини тушунтириб беринг.

Мусиқий шакл

Мусиқий ўқув муассасаларида, мусиқий таҳлил фани мавжуд. Ҳар бир ижрочи, ҳоҳ у дирижёр, ҳоҳ созанда бўлсин, қўлга олган асарини таҳлил қилмасдан ижро этадиган бўлса, уни ҳаваскор созандадан фарқи бўлмай қолади. Дирижёрлик билан чуқур шуғулланмоқчи бўлган талабалар, таҳлил фанини мукаммал ўрганишларига тўғри келади.

Шакл - «forma» лотинча сўз бўлиб - кўриниш, қиёфа, чирой, маъносини англатади. Мусиқада, асарнинг таркиби қандай тузилганлигини билдиради. Унинг ривожланиш тизимларини, тонликлар муносабатини аниқлайди. Ҳар бир мусиқа асарида такрорланмас, ўзига хос хусусиятлари бор. Лекин улар шакл жиҳатидан маълум қонун-қоидаларга бўйсунади. Мусиқада уч қисмли (АВА), икки қисмли (АВ), шаклларни учратишимиз мумкин. Бунда биринчи (А), мавзуга қарама - қарши иккинчи мавзу (В), ёритилади. Учинчи мавзу бўлиб яна биринчиси (А) қайтарилади. Уч қисмли шаклда кўпроқ симфония, сонатанинг ўрта қисмлари ёзилади.

Бир мавзуга бағишланган шакллар ҳам учрайди. Улар мавзу (тема) вариациялари деб ном олган. Полифоник мусиқа шаклида, бир мавзуга бағишланган фуга,[6] канон,[7] инвенция,[8] пассакалья [9] турлари учрайди.

Мусиқада эркин шаклга ҳам йўл берилган. Асосан, бирор бир мавзуга бағишлаб ёзилган фантазия, поппурилар шулар жумласидандир.

Мусиқий шакллар ичида энг устувори соната allegro шаклидир. Унинг бундай ном олишига XVII асрда Корелли ижодидан бошлаб, то, шу кунгача етиб келган соната жанри сабаб бўлиб ҳисобланади. Уч ёки тўрт қисмдан иборат сонатанинг ўткир зиддиятларига хос биринчи қисмининг ёзилиш услуби, йирик асарлар яратишда асосий қолип вазифасини бажарган.

Унинг таркиби «қолипи» уч қисмли бўлиб, қуйидаги бўлимлардан иборат:

Соната allegro

Экспозиция		**Ривожлов (разработка)**	**Реприза**
Б.П б.п	Ё.П т.п	Экспозициядан бирор бир ёки иккала мавзу. кириш мавзуси,умуман янги мавзу ҳам олиниши мумкин. Мавзулар жиддияти ва уларнинг ечими айнан	Ҳамма мавзулар асосий тонликда ўтади. Бп + Ёп Ойнали реприза учраши мумкин. Бунда аввал Ёп+Бп
Асосий тонлик	Вена классиклари D, S босқич тонлигига ўтганлар. Романтиклар		

[6]«Асарда товуш, куй, гармония ва полифония» таҳлилига қаралсин.
[7] «Асарда товуш, куй, гармония ва полифония» таҳлилига қаралсин.
[8] «Асарда товуш, куй, гармония ва полифония» таҳлилига қаралсин.
[9] «Асарда товуш, куй, гармония ва полифония» таҳлилига қаралсин.

	III,IV босқич тонлигини танлаганлар.	шу қисмга хос	ўтади.

Соната allegroда куйнинг ривожини, адабиётда драматик асарлар билан таққослаш мумкин.

Бошланишда композитор бизни асосий қаҳрамонлар – мусиқий мавзулар – билан таништиради. Улар бир-бирлари билан чамбарчас боғлиқ. Воқеа – ҳодисалар ривожланиб, тўқнашувлар кучайиб, чўққига чиқилади. Шундан сўнг вазиятни сокинлашиб, ечимини ҳис этамиз.

Соната allegro шаклининг биринчи қисми:

Экспозиция – лотинча сўз бўлиб «баён этиш» маъносини билдиради. (чизмага қаранг) Унда биринчи бўлиб бош ва ёндош мавзулар ўтади. Унда, асосан шу мавзу билан бир-бирига бўлган зиддияти очиб берилади. Бош партия қувноқ, харакатчан характерда бўлиб, доим асосий тонликда ўтади, сўнг унча катта бўлмаган боғловчи партия бўлиб, ёндош партиянинг тонлигига «кўприк» вазифасини бажаради. Босиқ ва куйчан оҳангдаги ёндош партия Вена классиклари ижодида D ёки S босқич тоналлигида ўтади. Кейинги оқим, романтикларда эса, сезиларли даражада эркинроқ III ёки VI босқич тоналлигида кетган.

Драматургия ўсиши **ривожлов**да ўтади. Ундаги мавзулар, ҳар хил тонликларда кўриниб, ўзларининг мукаммаллигини ҳимоя қилади. Тонликлар алмашиш вазияти жиддийлашиб, зиддият кучаяди ва энг чўққига (кульминацияга) чиқилади. Асосий тонлик ғалаба қилади. Осойишталик кайфиятида ривожлов, репризага жой бўшатади. Ривожловда экспозициядаги бирор бир ёки бир нечта партиялар иштирок этади.[10] Ривожловнинг асосий хусусияти тонналиклар ўзгарувчанлигидир. Унинг вазифаси, партияларнинг ҳар хил тонналикдаги ривожидан сўнг, асосий тонликга қайтади, сўнг, кейинги репризага жой бўшатади.

[10] Ривожловда кириш мавзуси ёки умуман янги мавзудан ҳам фойдаланиш мумкин.

Репризa – (французча сўз бўлиб, қайтарилиш, тиклаш маъносини англатади). Уч бўлимнинг охири. Экспозициядан фарқли ўлароқ, ривожловдаги «воқеаларга» хулоса сифатида келади ва ҳамма партиялар бир овоздан асар асосий тонлигида ўтади.Баъзида репризанинг тескари кўринишига дуч келамиз. Яъни, аввал Ёп сўнг Бп ўтади. Бу репризалар «ойнавий» (зеркальная) номини олган. Репризаларнинг бу кўриниши, қисқартирилган ҳолда ҳам келиши мумкин.

Соната allegroнинг шарт бўлмаган қисмларига асар бошида – кириш ва сўнгида кода[11] киради. Мусиқада йирик асарларнинг биринчи қисми албатта соната allegro шаклида ёзилиши удумга айланган. Акс ҳолда, асар йириклик унвонига жавоб бера олмайди.

Шакл мазмун билан чамбарчас боғлиқ. Асарда жумлаларни тузилиши, қисмлардан бир – бирига ўтиш, ривожловнинг кейинги маъноси билан боғланиб кетади. Улар бир-бирларини тўлдириб, умумийликни ташкил этади. Дирижёр куйнинг ўрта ва юқори авжларини тушунган ҳолда, композиторнинг нима учун, айнан шу шаклга мурожат этганини англай олади. Асар таркибини қисмма – қисм ўрганиб чиқиб, уни умумий асар эшитилишида қабул қилиш зарур, акс ҳолда меҳнат зое кетади. Мусиқий асар бўлак – бўлакларга ажралиб қолиши мумкин. Мазмунга путур етади. Дирижёр маҳорати композитор ижодининг маҳсулини, бирма-бир ўрганиб, ўз билим доирасига суянган ҳолда, қайта бутун бир шаклга йиғиб, тингловчига муаллиф кечинмаларини аниқ ва равон етказиб беришдагина юқори баҳоланади.

Мустақил иш вазифалари:

1. Мусиқий шакл деганда нимани тушунасиз?
2. Қандай шаклларни биласиз?
3. Соната allegroси ҳақида маълумот беринг?

[11]Кода – итальянча сўз бўлиб, - «дум», тамом маъносини англатади.

Асардатовуш, куй, гармония ва полифония.

Асардаги бу сифатлар бир-бири билан жуда боғлиқ. Уларни алоҳида ҳолда ўрганиб ҳам бўлмайди.

Товуш, ижрода муҳим ўринлардан бирини эгаллайди.

Физик жиҳатдан гапирадиган бўлсак, товуш тўлқин демакдир. Мусиқада у, сим ёки металл ва ёғоч найларга ташқаридан бўлган таъсир

ёрдамида, ҳаво тўлқинланиши натижасида, пайдо бўлади, улар маълум баландликга эга.

Оркестрдаги ҳар бир чолғучидан, сифатли, соф товуш талаб қилинади. Товушлар қўшилиши давомида жумла пайдо бўлади. Жумла ўз маъносига эга. Чолғучидан тушунарли «сўзловчи» ижро талаб этилади. Худди адабий мазмун гапиргандек, куй «катта» ҳарф (нафас) билан бошланиб, мақсадга етгандан кейин, нуқта қўйилади. Бунинг учун дирижёрнинг қўлида товуш, қироат (интонация) бўлиши керак.

Жумла бошида қўл нафас (ауф) олади, чолғучи сиз кўрсатган динамикада, тезликда, штрихда ижро этади.

Гуруҳларда, ижрочиларнинг сонига қараб товушлар нисбати олинган бўлади. Муаллиф асарда гуруҳдан ***pp*** ижросини талаб қилган. Бунга эришиш учун, ҳамма созандалар бараварига, ***pp*** чалиб иккинчиси ***p*** ижро этса, товушлар нисбати бузилади. (ёки аксинча ***ff*** да - ***mf***) Бу эса биргаликдаги ансамбл ижросида мусиқа саводинингдаражасига путур етказади.

Куйнинг ифодалилиги, усул, тезлик, динамика, товуш чиқариш, гармония ва бошқалар билан чамбарчас боғлиқ. Куй, албатта, мусиқада асос ҳисобланади. Лекин кўп овозли мусиқа асарида, барча йўналишлар билан биргаликда уни бойитадиган, чуқурлаштирадиган, гармоник ва полифоник элементлар бор. Кўп овозли асарни уларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Мисол №2



Дмитрий Шостакович куйга - «... у асарнинг қалби» деб таъриф берган экан. Мусиқа илмига, куй – мусиқий фикрнинг бир овозли ифодаси тушунчасида киритилган.

Куй тизимини гармония ва полифоник йўллар билан тўлдирилади.Гармония – грекча сўз бўлиб (harmonia) – оҳангдошлик, уйғунликлик маъносини билдиради. Товушларнинг бир-бирини тўлдирган ҳолда уйғунлашиб кетишини тушунамиз. Кўп овозли икки кўринишга эга. Куй тизими йўналишига қолган овозлар жўрнавозлик қилса, гомофонияни (грекча сўз homos - тенг, phone - товуш) назарда тутамиз. Аксарият композиторларимиз, шу йўналишда ижод қилишган. Бу мусиқада, гомофония гармоник кўриниш деб аталади.

Кўп овозлининг яна бир тури полифониядир. Грекча сўз polu кўп, phone товуш маъносини тушунишимиз мумкин. Полифоник асарда ҳар бир овоз, аниқ ва мустақил ҳаракатланади. Полифония ўзининг бир нечта кўринишларига эга. Булардан вариация[12]- пассакалья,[13] чакона,[14] инвенция,[15] канон[16] ва бошқалардир. Унинг мукаммал кўриниши фугада[17] намоён бўлади.

Дирижёр куй тизими билан бирга, товуш остида гармонияни, товушлар муносабатини, полифоник йўналишларни ҳис этиб, эшитиб уларни уйғунликда олиб бориши керак.

Хулоса қиладиган бўлсак, мусиқанинг, юқорида айтиб ўтилган, ҳамма жиҳатлари биргаликда уйғунлашганидагина мукаммал ижро бўлади.

---

[12]Вариация – мусиқадаги кўп иборалар қаторида лотин тилига мансуб. XVI асрда пайдо бўлган variation ўзгариш, турланиш маъносини англатади. Асарда асосий мавзу ҳар хил характерда тезлик ва усуллари ўзгариб келади. Баъзида уни олиб юрувчи товушлар ҳам ўзгариши мумкин.

[13]Пассакалья – XVI асрда пайдо бўлган буюклик характердаги асар. Мавзу ўзгармайди. Бас товушларида доимий ишончли куй тизими ўтади. Юқориги овозларда эса янги мустақил мавзулар янграйди.

[14]Чакона – пассакалья билан ўхшашлиги билан бир қаторда, мавзу фақат бас товушларда эмас, балки юқори ўрта овозларда янграйди.

[15]Инвенция – лотин тилида invention «кашф қилиш» маъносига эга. Ёркин характердаги асар бўлиб, ҳар бир овоз йўналишлар ўзига хос маълум яратувчилик кайфиятига эга.

[16] Канон – мусиқада XVIасрдан қўлланилади. Грекчада сўздан олинган бўлиб, «ўзгармас» деган маънони билдиради. Полифоник шакл одатда 2-3 ёки 4 товушда бўлиши мумкин. Бошланишда биринчи янграган мавзу (dux), кейинги тушувчи товушлар (comes)– йўлдошлар ҳисобланади.

[17]Фуга - лотин иборасида fuga югуриш, чопиш маъносини билдиради. Унда яхши эсда қоладиган мавзу, бирин-кетин турли овозларда ўтади. Мавзуларнинг сонига қараб, фуга иккиталик ёки учталик деб аталади. У мустақил асар бўлиш билан бир қаторда бошқа асарларнинг бир қисми ёки уларда эпизод бўлиб ўтиши мумкин.

Мустақил иш вазифалари:

1. Товуш чиқариш нималарга боғлиқ?
2. Куй тизимини тушунтириб беринг?
3. Мусиқада кўп овозлининг қандай кўринишларини биласиз?

Мусиқада тезлик, усул

Мусиқада тезлик (темп-лотин тилидан олинган бўлиб, вақт маъносига эга) усул (ритм – грекча сўз бўлиб, ўлчамли оқим) куй кайфияти ва жанрига боғлиқ.

Мусиқа билан шуғулланмоқчи бўлган болаларни, аввалambор усулни сезишини, тезликни аниқ ҳис эта олишни текшириб кўрилади. Бу ҳар бир ўқувчининг, касбий мусиқий билим олишидаги асосий қобилиятларидан ҳисобланади. Эшитув, усул ва тезликни ҳис қилмасдан туриб, нафақат дирижёрлик, балки, чолғу ихтисослиги бўйича ҳам, таҳсил олишга имкон берилмайди.

